

4-сон давлат хизматининг регламенти

Статистик таснифлагичлар бўйича ахборотлар тақдим этиш

1. Хизматнинг таърифи (паспорт)

1.1. Хизмат номи

Статистик таснифлагичлар бўйича ахборотлар тақдим этиш.

1.2. Хизмат натижалари

Статистик таснифлагичлар бўйича ахборотлар олиш.

1.3. Хизмат кўрсатиш органлари ва бланк олиш жойлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари.

Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти www.stat.uz.

1.4. Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида” Қонуни

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 8-сонли Қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Манфаатдор давлат органлари, халқаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар.

1.6. Сўров бериш муддати

Сўров бериш муддати ўрнатилмаган.

1.7. Бажариш муддати

Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтига мурожаат қилинганда – кечаю кундуз

1.8. Тасдиқ бериш муддати

Ўрнатилмаган.

2. Хизматдан фойдаланувчиларни хабардор қилиш

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

Статистик таснифлагичлар бўйича ахборотлар тақдим этиш.

2.2. Кенг миқёсда хабардор қилиш

Статистик таснифлагичлар тўғрисида ахборотлар Давлат статистика қўмитаси www.stat.uz расмий сайтининг “Интерактив хизматлар” бўлимининг “Статистик классификациялар” қисмида жойлаштирилган.

2.3. Сўров бўйича хабардор қилиш

Шахсан: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай савол юзасидан оғзаки маслаҳат (10 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Телефон орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай катта ҳажмдаги аниқ ахборот берилишини талаб қилмайдиган савол юзасидан оғзаки маслаҳат (5 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Факс орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача сўров бўйича ёзма ҳужжатларни (3 варақдан кўп бўлмаган) қабул қилиш ва узатиш.

Электрон почта орқали: ҳар қандай ёзма сўровларни кенг тарқалган матн форматларида (оддий матн, DOC, RTF, PDF форматларида бириктирилган файл) ёки келишилган бошқа форматларда кечаю кундуз қабул қилиш, соат 9-00 дан 18-00 гача оддий матн форматида, DOC, RTF, PDF форматидаги бириктирилган файл кўринишида ёки келишилган бошқа форматларда ёзма ҳужжатларни узатиш.

Давлат статистика қўмитаси расмий сайтига шахсий мурожаат – кечаю кундуз.

2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида хабардор қилиш

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек тумани, 100192, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63.

2.5. Фойдаланиладиган ҳужжат бланклари (шакллар)

Ўрнатилган тартибда тасдиқланган жадвал намуналари.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Давлат статистика қўмитаси сайтига мурожаат – кечаю кундуз;

Иш тартиби: иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача.

3.2. Кутиш шартлари

Ўрнатилмаган.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур ҳужжатлар

Талаб этилмайди.

4.2. Хизмат ҳақи

Хизмат бепул амалга оширилади.

4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари

Статистик таснифлагичлар тўғрисида ахборот олиш учун, www.stat.uz сайтига кириш лозим. “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Статистик классификациялар” қисмини танлаш керак.

4.4. Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар

1) Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси халқаро стандартларга мувофиқ таснифлагичларни ишлаб чиқади ва статистика амалиётига жорий этади.

2) Тасдиқланган таснифлагичлар Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтида жойлаштирилади.

4.5. Рад этиш асослари

Ўрнатилмаган.

5. Сифат таъминоти


5.1. Сифат параметрлари




Хизмат кўрсатиш сифати кўрсатиладиган хизматлар учун ўрнатилган тартибга тўлиқ жавоб беради.

5.2. Хизмат сифати устидан шикоят қилиш тартиби

Статистика органларига белгиланган тартибда ёзма мурожаат қилиш ёки Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти орқали шикоят билдириш мумкин.


Давлат хизматини кўрсатиш схемаси
Статистик таснифлагичлар бўйича ахборотлар тақдим этиш





	Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичида ҳаракат номи келтирилган.
	Доира (овал) – объектларни кўрсатувчи элемент (бу ерда хизматни олиш натижаси). Элемент ичида олинаётган ҳужжат номи келтирилган.
	Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи.

**Давлат хизматини кўрсатишда
ички идоравий жараёнлар таърифи**

Статистик таснифлагичларлар бўйича ахборотлар тақдим этиш



	Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемен
	Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи.